



# ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 10 октябрь, сешанба № 149 (981)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ФАРФОНАДА БИРИНЧИ

Олтириқ тумани пахтакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини бажарди. Мавсумда 9400 гектар майдонда ҳосил етиштирган туман деҳқонлари қабул пунктларига 28 минг 870 тоннадан ортиқ қимматбахона соноат хом ашёси етказиб берди.

Туман «оқ олтин» хирмонининг юксалишида Алишер Навоий, Баннон Отақулов, Кенжабоев, Охунбоев номи, «Нуробод», «Тонг» жамоа ва ширкат хўжаликларига қўшган ҳисса салмоқли бўлди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, муваффақиятнинг асосий омилли ишчи ижара асосида, агротехника қондаларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил этилиши ҳамда ишчи ва хизматчиларга қулай шарт-шароит яратилганлигидир. Пахта йиғим-терими ишларида иштирок этган теримчиларга хар беш кунда иш ҳақи тарқатилди. Хозиргача шу мақсад учун 404 миллион 180 минг сўм маблағ сарфланди.

(ЎЗА).

## ДАСТУР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг жорий йил тўққиз ойи якуналари ҳамда «Соғлом авлод» Давлат дастури қандай бажарилаётганига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмига, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова бошқарди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маданий-маърифий ислохотларни чуқурлаштиришга мажмуа таркибига кирувчи идора ва ташкилотлар ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидладилар. Хусусан, ўтган вақт мобайнида оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, ёшларни ҳуқуқий, маънавий ва моддий қўллаб-қувват-

лаш борасида муайян ишлар бажарилди. Оилаларда тотувликни сақлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, қарамоғида ногирон боласи бор ёки уч ёшгача фарзанди бўлган аёлларнинг оилаларига катта миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

«Соғлом авлод» Давлат дастури доирасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, туғиш ёшидаги аёлларни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш, уларнинг ўз саломатлигига бўлган маъсулятини оширишга қаратилган тадбирлар изчил бажарилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидаларстикнинг ҳар қандай кўринишлари пайини қирқиб, ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасидаги ишларни янада жонлантириш зарурлиги қайд этилди. Балоғат ёшига етган қизлар он-гида аёлнинг юксак маънавияти, никоҳнинг муқаддаслиги туйғулари шакллантириш, улар ўртасида жинсийлик ҳолларига чек қўйиш зарур.

(ЎЗА).

**Бозор шароитида мамлакатимиз олдидан турган асосий муаммолардан бири аҳолини иш билан таъминлашдир. Бу борада Тошкент вилоятида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят йирик меҳнат потенциалига эга. Аҳолиси 2,3 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. 1999 йил маълумотларига кўра, 1,2 миллиондан ортиқ меҳнат ресурслари мавжуд бўлиб, шундан 500 мингга кишлоқда яшайди.**

Очик эътироф этиш лозим, айниқса кишлоқлар ва кишлоқ хўжалигида ечимини кутаётган ижтимоий-иқтисодий, мулкрий муаммолар етарлидир. Хусусан, кишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шакллари янги қарор топтиришга чинакаммига эришилмапти. Ислохотларни чуқурлаштириш, меҳнатга лаёқатли бўлган кишлоқ аҳолисини муқим иш билан таъминлаш, кичик ҳамда хусусий корхоналарни изчил ривожлантириш юзасидан ҳали кўп иш қилиниши керак.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган 21 июлдаги мажлисида қилган маърузасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш иқтисодий-иқтисодий асосий омил эканлигини алоҳида уқтириб ўтди. Бу долзарб масала ҳозирги кунда халқимиз учун ҳаёт-мамонт масаласи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Мақсадга эришиш ниятида махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, жойларда меҳнат қилиш соҳа ва турларини кенгайтириш, кичик корхоналар, цехлар сонини

## Долзарб мавзу

Ҳаёт шунки кўрсатмоқдаки, аҳолининг ўсиш суръатидан янги иш жойлари яратиш анча орқада қолмоқда. Бозорга баъзи бўш ўринларга одамларнинг билими, малака ва тажрибаси тўғри келмаётганлиги, бошқа томондан эса айрим ерларда иш

рин ишсизликни камайтириш, кичик ва ўрта бизнес соҳасида бандликни кенгайтириш, ишчи кучларини экспорт қилиш имкониятларини ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириш ва албатта қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришидир.

Ҳозирги кунда вилоятда 20 та шаҳар ва туманлар бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш меҳнат бўлимлари малакали кадрлар билан таъминланган. Ҳамжиҳатликда қилинган сайёҳаракат кенг доирада фаолият юритиш имкониятини бермоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи ичида 17.117 ишсиз рўйхатга олинди. Улардан 12.422 нафари ишга жойлаштирилди. Квоталанган иш жойларига 10.473 ногирон, ёшлар, бошқа бекор юрган фуқаролар, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар жойлаштирилганлиги эътиборга молик. Булардан ташқари, 1076 киши қайта ўқитилди, 841 киши ҳақ тўланадиган фаолият билан машғул этилди. 1634 ишсиз кишига нафақа белгиланди. Мутахассис сифатида шунки эътироф этаманки, бозор шароитида меҳнат аҳли ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий шерикчилик ниҳоятда муҳим рол ўйнайди. Тошкент вилояти меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси ўз фаолиятида бу ҳаётий ҳақиқатга алоҳида эътибор бераётгани белгиланган тадбирларни бирин-кетин амалга ошириш имконини бермоқда.

**К.ШОДИМЕТОВ,** иқтисод фанлари номзоди.

## АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

муаммоси Тошкент вилоятида қандай ҳал этиляпти?

кўпайтириш, кишлоқларда яшовчиларни яқин-атрофдаги шаҳарларга ишлашга жалб этиш вазифалари белгиланган. Сайёҳаракатлар аста-секин ўз самарасини бераёпти. Агар 1998 йилда вилоятда 14,2 минг янги иш жойи яратилган бўлса, 1999 йилга келиб бу рақам 17 мингга ташкил этди. Яна бир эътиборлиси шуки, кишлоқ хўжалигида ортиқча ишчи кучларини бўшатиш жараёни бошланди. Шу ўринда мисол келтирсак, 1998-1999 йилларда ҳамда 2000 йилнинг биринчи ярмида санация қилинган, ширкатга айлантирилган кишлоқ хўжалиги корхоналарида 8,3 мингдан ортиқ киши бўшади. Аммо, уларнинг аксарият қисми бошқа тармоқларга, яъни деҳқон ва фермер хўжалиқларига, қайта ишлаш корхоналарига, шунингдек, қайта ўқитиш орқали тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди.

ҳақининг пастлиги муаммони ҳал этишда қийинчилик туғдирмоқда. Шу боисдан Президентимиз Олий Мажлис сессиясидаги нутқида 2000-2005 йиллар даври учун янги иш жойлари яратиш дастурини ҳар бир ҳудуд миқёсида тузиш масаласини ўртага қўйди. Бу вилоят мутасаддилари учун дастуриламал бўлди. Ихлол билан ишга киришилди. Вилоятда ишлаб чиқилган дастурда 2000-2005 йилларда иш ўринларига бўлган эътибор тўла ҳисобга олинган. У 155 минг кишига мўлжалланган. Кишлоқ жойларига эса 114 мингдан ортиқ иш жойлари яратиш ният қилинган.

Республика мида ҳозирги давр ижтимоий сиёсатидаги устувор йўналишида бандлик соҳасида қилиниши зарур бўлган ишлар кўпайтирилган деб белгиланган: мустақкам иқтисодий ўсишни таъминлаш, меҳнат бозорини ривожлантириш, яши-

## АРМРЕСТИНГЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Юртимиз армрестлингчилари (қўлда куч синашувчилари) Американинг Виржиния штатидаги Виржиния Батидаги Виржиния Бати шаҳрида 46 мамлакат спортчилари иштирокида ўтказилган жаҳон чемпионатида яна бир бор зафар кучдилар. Уч нафар вакилимиз томонидан 2 та олтин, 3 та қумуш ва битта бронза медалларининг қўлга киритилиши натижасида Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.**

Ўз спорт фаолияти давомида икки бор жаҳон чемпиони деган шарафга сазовор бўлган, 90 килограмм вазндаги Умид Аҳмедов бу гал ҳам тенг келадиган топилмади. У ўнг қўлдаги баҳсларда олтин медални қўлга киритди. У.Аҳмедов чап қўл бўйича чемпионликнинг финалида жамоадоши Юсуф Қодировга имкониятни бой бериб, қумуш медал эгаси ҳам бўлди. Мирзохид Шаропов ўз вазнида чап қўли билан иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, қизлар ўртасидаги куч синашишда вакиламиз Елена Шаронованинг маҳоратига тан бермай иложимиз йўқ. У ўнг қўлида иккинчи ва чап қўли билан учинчи ўринни банд этиб, қўшалок медал соҳибасига айланди.

«Туркистон-пресс»

## «ЧЕЛЕНЖЕР» ТУРНИРИ

Қадимий ва навқирон Бухоро шаҳридаги «Хумо» мажмуида мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ доллари бўлган халқаро «Челенжер» турнирига старт берилди. Унда Россия, Германия, Голландия, Италия, Швеция, Каби, Словакия каби 15 мамлакатнинг 100 дан зиёд таниқли ракетка усталари иштирок этмоқда.

Беш кун давом этадиган ушбу турнирда мамлакатимизнинг энг кучли теннисчилари Олег Огородов, Вадим Куценко ҳам қатнашмоқда.

Халқаро турнирнинг очилиш маросимида Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов сўзга чиқди.

**СУХБАТДОВА,** М. ҲАЙИТОВА.

(ЎЗА).

## МУКОФОТГА КОМПЬЮТЕР

Халқ таълими муассасаларини янги 2000-2001 ўқув йилига ва куз-киш мавсумига тайёрлаш бўйича ўтказилган туманлараро танлов натижалари эълон қилинди.

Республика таълим маркази, «Таълимсавдо» бош бошқармаси масъул ходимларидан иборат эксперт гуруҳи ҳулосасига биноан Тошкент шаҳридаги Юнусобод тумани халқ таълими бўлими биринчи мукофотга сазовор бўлиб, «Пентиум-300-300» русумли компьютер мажмуаси билан тақдирланди.

Иккинчи ўрин Андижон вилояти Марҳамат тумани халқ таълими бўлимига насиб этди ҳамда унга «Рус» русумли радиоэзел топширилди. Сирдарё вилояти Гулистан шаҳар халқ таълими бўлими эса учинчи ўрин совриндори сифатида 150 минг сўмлик китоблар билан мукофотланди.



А.АЙЗОВ, «Ишонч» мухбири.



## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Ўзбекистон аҳли Кунчиқар мамлакатининг аънавий маданияти, санъати ва замонавий ҳаёти билан танишиш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон Давлат санъат музейида мамлакатимизда Япония маданияти кунларининг расмий очилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Маданият кунларини ўтказишдан кўзланган мақсад икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштиришдан иборат. Октябр ойининг охиригача

давом этадиган тадбирлар орасида кўғирчоқлар кўргазмаси, япониялик барбанчиларнинг чиқиши, аънавий рақслар ва миллий таомлар намойишини ўз ичига олувчи байрам, кинофилмлар фестивали, Япония ҳаётига оид семинарлар бор.

Суратда: кўғирчоқлар кўргазмасида. А.РИСКИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

**Самарқанд шаҳридаги америкача услубдаги хизмат тури фаолият кўрсатаётганига атиги икки ой бўлди. Ҳўш, бу янги хизмат тури аҳолига қандай наф бермоқда ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат? Мухбиримиз шу савол билан Самарқанд вилоят ИИБ матбуот маркази ходими, милиция лейтенанти М.Абдурахимовга муурожаат этди:**

— Янги хизмат тури иш бошлаганига унча кўп бўлмасда, фидойилар ёрдамида кўпгина шаҳарликларнинг мушуқли осон этилди. «911 қутқарув хизмати» Самарқанд шаҳар ҳокими қарорига биноан шаҳар фавақулдада вазиятлар бўлими негизида тузилган бўлиб, табиий

техноген ва экологик тусдаги фавақулдада вақиятларда ҳаракат қилиш, қутқарув ишларини ташкил этиш учун мўлжалланган. Қутқарув хизмати лозим бўлган пайтда ички ишлар бошқармасининг навбатчилик қисми ҳамда «Ёнғинга қарши кураш», «Тез тиббий ёрдам» хизмати, шу-

## Диққат: аҳолига хизмат кўрсатишнинг янги тури «911 ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ ЭШИТАДИ!»

нингдек, вилоят ва шаҳар авария хизматлари билан тўғридан-тўғри алоқани таъминлайди.

Ҳаётда нималар бўлмайти, дейсиз. Ёнғини, айрим хонадонларда сув қувурларининг очик қолдирилиши пастки қаватлардаги ларни безовта қилади-ми, ёки инсон кўнглисиз воқеа туйғули жараҳат оладими — 12 нафар сараланган йигитлар жамоаси ёрдам

ча орадан анча вақт ўтади. Вақтдан ютиш, етадиган зарарнинг ҳажминини камайтириш мақсадида барча ишчиларнинг «911 қутқарув хизмати» ўз зиммасига олади.

Имкониятдан фойдаланиб яна бир нарсани таъкидлаш жоиз. Фуқаролар ўртасида сохта хабар берувчилар ҳам учраб турибди. Масалан, шаҳарнинг «Известия» кўча-

сида истиқомат қилувчи Фафуров деган фуқаро мурожаат қилиб, 4-қаватда ёлғиз яшовчи кишининг эшиги бекилиб қолганлиги ва ичкаридан ҳеч ким овоз бермаётганлиги тўғрисида хабар берди. «911 қутқарув хизмати» жамоаси айтилган манзилга етиб борса, ҳаммаси Фафуровнинг ҳаёлий тўқимаси бўлиб чиқди. «Хўш, нега бизни овора қил-

дингиз?», деган саволга «Шунчаки сизларни синаб кўрмоқчи эдим», деган жавоб олинди... Ёлғон қақирувчилар учун ЎзРМЖ ТКнинг 38 ва 199-моддаларида жавобгарлик белгиланган бўлиб, етказилган моддий ҳам маънавий зарар суд орқали ундириладики, бундан ҳар қандай «синовчи» фуқаро хабардор бўлиши керак. Бундан ташқари, «911 қутқарув хизмати» телефон аппаратлари мурожаат қилувчининг телефон рақамини аниқ кўрсатиб беради.

Ижтимоий ҳимоя

ШАРОИТ ВА ИШЧИ КАЙФИЯТИ

Хиссадорлик жамиятимизда жорий йилда 20 минг тонна пахта қабул қилиниб, 5350 тонна тола, 7850 тонна чигит, 410 тонна момик ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Бундай кўрсаткичлар катта меҳнат эвазига қўлга киритилишини яхши англаган маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчиларга яхши иш ва дам олиш шароитларини яратиб беришга ҳаракат қилмоқдалар. Ишчилар махсус иш кийими билан тўлиқ таъминланган, техника хавфсизлиги қондалари билан таништирилган. Ҳар бир деҳда дам олиш, ювиниш хоналари мавжуд. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 20-25 минг сўмга етмоқда. Улар йилга бир маротаба тиббий кўриқдан бепул ўтказилмоқдалар. Бундан ташқари, жамият соф фойдаси ҳисобига

қурилган пойабзал таъмирлаш устaxonаси, сартарoшxона, бичув-тикув цехи каби ўнлаб маиший хизмат нуқталари ишчиларга бепул хизмат қилади. Корхона чойxонасида эса мавсумий иш пайтларида 4 маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Махсулотларимиз асосан Англия, Швейцария, Польша, АҚШ каби чет давлатларга юборилаётгани учун сифатга алоҳида эътибор қаратилади. Буни тўғри тушунган ишчиларимиздан Эргаш Алиев, Расул Остонов, Сайёх Ҳисориев, Анатолий Норовлар барчага ўрнатилган бўлмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, ишчилар меҳнати муносиб рағбатлантирилади-гани ўз самарасини бер-

моқда. Қабул қилинган жамоа шартномасига асосан, уларга меҳнат таътилига чиқиш олдидан бир ойлик маош миқдориде мукофот, яхши ва узоқ вақтдан буён ишлаётганларга қўшимча 3 кунлик пуллик таътил ҳам берилаётир. Ходим ва ишчиларимиз тўй-маъракаларида ҳам 3 ва 7 кунлик қўшимча пулли таътил, оиласида фарзанд туғилганда, янги уйга кўчиб ўтганда 2 кунлик қўшимча пулли таътил жорий этилган. Ёш йигит-қизларимиз оила қураётганда 15 кунлик иш ҳақи сақланган ҳолда навбатсиз таътилга чиқишади. Жамоа аъзолари тасаруфимиздаги «Хондига» дам олиш масканида бепул даволанадилар. 6 нафар илгор аёлларимиз бу йил республикамизнинг «Умид учқунлари», «Чи-

нобод», «Ботаника», «Семург» сихатгоҳларида дам олишди. 30 нафардан ортиқ ишчиларимиз вилоят миқдосидаги сихатгоҳларда бепул даволанишди. Икки нафар ходимимизга соғлигини мустаҳкамлаб олишлари учун ҳар бирига 30 минг сўмдан ёрдам бердик. Ишчиларнинг 100 нафар болалари оромгоҳларда бепул дам олдирилди. Тасаруфимиздаги тиббий пунктга яқинда «УЗИ» аппарати, тиш даволаш жиҳозлари олиб келинди ва унинг хизмати бепул қилиб қўйилди.

Абдураим ПАРДАЕВ, «Денов пахта тозалаш» хиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси.


Ислоҳот чорраҳаларида

Алишер Навоий номли давлат ҳўжалиги авваллари нафақат Оҳангарон туманида, балки республика миқдосида ўз мавқега эга эди. Негаки, бу ерда Англия ва бошқа ерлардан келтирилган 500 бошга яқин қорабайирлар боқиларди. Бу отлар гўзаллиги, чакқон ва абжирлиги билан мутахассису мухлисларни дол қолдирган пайтлар кўп бўлган. Лекин вақт ўтиши, маблағ йўқлиги сабабли улардан 187 бош йилки сақланиб қолди, холос.

Бунга яйловларнинг анчагина қисми қисқариб кетганлиги, озуқа базасининг ночорлиги сабаб қилиб кўрсатиляпти. Лекин жамоа аъзолари доврўгли кўнларнинг қайтиб келишидан умидвор бўлиб, шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Жорий йил ишлаб чиқариш маълумотларига кўз ташлашингиз биланоқ ҳўжаликда бир мунча ижобий ўзгаришлар рўй берганини дарҳол пайқайсиз. Чунончи, 1050 гектар ердаги галла ҳосили ўриб-йигиб олинган. Қорамоллар сони 300 бошга яқин, қўйлар эса 9 минг бошни ташкил этади.

ОЛАМ КўРГИН, ТУЛПОРИМ!



Илгариги мавқени тиклашнинг имкони бор, - дейди ҳўжалик раҳбари Фурқат Мирзаев. - Бу ерда иш бошлаганига бир йилча вақт бўлди. Лекин шу қисқа вақт ичида шунга амин бўлдимки, жамоамиз аъзолари орасида ўз касбининг фидойилари, ўз ортларидан қўпчилики эргаштира оладиган мутахассису чорвадорлар етарли. Улар билан ба-маслаҳат, ҳамжиҳатликда кенг кўламли ишларни амалга оши-ршга қурбимиз етади. Бу тадбирлар бо-шида касаба уюшма кўмитаси турганлиги эса ишонччи янада мустаҳкамлайди.

Нафскамбрани ай-тганда ҳўжалик бошқаруви раиси ҳақ гап-ни айтди. Масалан, ушбу фикрларни кўзи-латиш мавсумининг уюшқоқлик билан ўтка-зилгани, галладан бел-гиланганидан кўп ҳосил олингани, чорва молла-ри махсулдорлиги то-бора ортиб бораётга-ни, қорабайирлар пар-номасини назорат қи-лиш ўзининг илк са-марасини бермоқда. Натижада меҳнат инти-зоми яхшиланди, де-мак, бу экинлар ҳосил-дорлиги, чорва молла-ри махсулдорлиги ор-таяпти, деганидир... «Эйвалек» кўргонча-сини айланамиз. Замо-навий уйларда барча шароитлар муҳайё қилинган. Тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминланганлик дара-

ишлар тақа-тақ тўхтаб қолган. Бизнинг бу ҳақдаги саволларимизга ҳўжа-лик раҳбари: - Жорий йилнинг кузида барча қарзла-римиздан қутулиб ол-гач, чала ётган иш-ларга қўл урамиз, ҳўжалик қаддини рос-тлаб олишига озгина вақт қолди, - дея жа-воб берди. Ҳўжалик дарвозаси-даги елиб кетаётган тулпор расми киши диққатини ўзига тор-тиши табиий. Ҳа, дей-си эз ўзингизга, шундай тулпорлар кўпайиб, доврўги олам ошаверсин...

Баҳром МУРОДОВ, «Ишонч» мухбири.

2000 йил — Соғлом авлод йили

ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ

Фарзанд дунёга келмасдан аввал унинг келажаги ҳақида пухта ўйлаш даркор, - дейди Янгийўл тумани соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Хурзода Иноғомова. - Биз соғлом оилани шакллантириш мақсадида кенг кўламли тадбирларни ишлаб чиқиб, изчил амалга ошираётимиз. Бунда ёшлар ўртасида соғлом оила тузиш, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш учун уларнинг соғлигини ўрганиб бориш, оилани мустаҳкамлашда эркакнинг ролини оширишга эътибор қаратишмоқда.

Шу мақсадда тумандаги Гулбаҳор ва Халқобод кўргонларида «Келин-куёв» хоналари ташкил этилди. Сақкиз ой давомида 80 дан ортиқ келин-куёв бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Шунингдек, қариндош-уруғлар ўртасидаги ҳамда балоғатга етмасдан қизларни уза-тиш мавзусида кўпгина кишлоқларда савол-жавоб кечалари ўтказдик. Мактабларда қизларимизни оилавий ҳаётга руҳан, жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича педагоглар билан ҳамкорликда иш олиб бораётимиз.

Туман ва шаҳардаги шифохоналарда хизмат қилаётган малакали тиб-биёт ходимларидан иборат гуруҳлар тузиб, ҳўжа-ликларда «Соғлом фар-занд — соғлом оилада ду-нёга келади» мавзусида суҳбатлар ўтказдик. Ушбу тадбирларда жами 1500 га яқин киши иштирок этди. Ақшери ва гинекологлари-миз ҳомиладор аёллар-нинг касалликларини аниқлаб, туғруқхонага боргунларига қадар улар-ни поликленикаларда да-воладилар.

Дарҳақиқат, туманда бу борада кўпгина ибратли ишлар амалга ошириляёт-ганининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, аёллар масла-хатхоналари фаолияти кучайтирилгани натижа-сида эрта - ҳомилдорликни ҳисобга олиш туман бўйи-ча 90 фоизни ташкил этди. Шунингдек, бола ту-ғилиши оралиғидаги муд-дат 3-3,5 йилдан кам бўлма-слиғи ҳақида 37 та маҳаллада давра суҳбат-лари ўтказилди. Ақшери-лик мажмуаларида чақалоқ ва кўрак ёшидаги бо-лаларни боқиш ва тарби-ялаш масалалари бўйича ота-оналар учун ўқув-со-ғломлаштириш курсла-ри ташкил этилди.

Ҳа, ким ҳам фарзанди-нинг келажақда соғлом, Алломишдек паҳлавон, Барчинойдек гўзал ва оқила бўлишини иста-майди, дейсиз. Лекин орзунинг амалга оши-риш учун фақат истакнинг ўзи камлик қилади. Туғилажак боланинг ақлан етуқ, жисмонан ба-қуват бўлиб шакллани-шини бола дунёга кел-масдан бошлаш керак.

Абдураззоқ КАРИМОВ.

Республикамиз кичик хусусий корхоналари сағфия яна битта янги - «Гидротех» корхонаси қўшилди.

Мазкур кўп тармоқли корхона фаолияти-да ҳали йирик маблағ ва катта имкониятларга эга бўлмаган ишлаб чиқари-шининг ўзига хос хусу-сиятлари ҳисобга олин-ган. «Гидротех» корхо-

КўП ТАРМОҚЛИ КОРХОНА

наси мутахассислари кичик ҳақ эвазига гидротех-ник иншоотларни лойиҳа-лаштириш, суғориш тар-моқлари, вертикал дре-наж ўтказишни техник-иктисодий асослаш иш-ларини бажаради, геоде-зия изланишлар билан шуғулланади, мелиора-торларга тавсиялар бера-ди, Тошкент ирригация ва кишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳан-дислари институти ва Тошкент Давлат аграр университети талабала-рига маслаҳат хизмати кўрсатади. Корхона фао-лиятининг навбатдаги бо-сқичида тадқиқот ишла-рини олиб бориш, дала шароитида ишлаётган мутахассисларга хизмат кўрсатиш кабилар кўзда тутилган. Зеро, фаолият-нинг ушбу тури ҳали ши-фокорлар томонидан етар-лича ўрганилмаган. «Гидротех» директори, техника фанлари номзо-ди М.Қодированинг таъ-кидлашича, бу ерда иж-тимоий масалалар ҳам ҳал этилмоқда: янги иш ўринлари, шу жумладан, нафақахўр ва ногиронлар учун ҳам иш ўринлари ташкил этилмоқда.

(ЎзА).

«АНАХИТА» - ХАЙР-САХОВАТ ДЕМАҚДИР

Қорақалпоғис-тон Республикаси-да «Анахита» деб номланган хайр-саховат жамғарма-си ташкил этилди. Унинг таъсис йи-ғилишида сўзга чиққан Қорақалпо-ғистон Республи-каси Жўқорғи Кен-геси раиси Т.Ка-молов янги жам-ғарма Оролбўйи аҳолисига инсон-парварлик ёрдами кўрсатиш, хориж-дан келаётган кўмакни мувофиқ-лаштиришда му-ҳим ўрин тутиши-ни таъкидлади. Жамғарма бошқа-руви тизими ва низоми қабул қилинди.



Юртимиз равнақи учун иқтисодий, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бунинг учун тадбир-корликни кўллаб-қувватлаш зарурлигини Прези-дентимиз қайта-қайта таъкидлаётгани беҳиз эмас. Кўп жойларда, жумладан Самарқандда ҳам ислоҳотлар изчил амалга ошириляпти. Бирок, шони қурмасиз бўлмаганидек, Пайарик туманида айрим ўринларда тадбиркорларга таъйин ўтказиш, уларнинг йўлига сунъий тўсиқлар қўйиш ҳолатлари мавжуд экан. Ушбу хусусда биз ўз мулоҳазаларимизни билдирамиз. Уни баҳолаш, хулоса қилиш эса Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва бошқа мутасадди идораларга ҳавола.

РАИС ТАДБИРКОРГА ҚАРШИМИ?

Худудий-ташқилий ўзгаришлардан сўнг собиқ «Заготскот» таш-килоти ерсиз қолди. Бу вақтда у «Йўлтепа» гўшт, сут харид-савдо жамияти деб аталарди. Унинг янги раҳбари Фо-фир Узоқов мавжуд чорва молларини ем-хашак билан етарли таъминлаш мақсадида Пайарик туманидаги «Янгиобод» жамоа ҳўжалиги бошқаруви-га ер сўраб мурожаат қилди. Ҳўжалик худуди-даги камунум майдон-лардан 25 гектар ер ажратилиш ҳақида ҳўжа-

чекишган. Ҳамма ҳужжатлар тахт бўлади, ер ўлчаб бери-лади. Фақат фойдала-нишга киришиш учун мавсум туғашини, экин-лар йиғиштириб олини-шини кутиш керак эди. Ана шу вақт мобайнида ҳаммаси бошқача бўлиб кетишини ким билибди, дейсиз. 1997 йилнинг охири-ларда Ш. Таниев ишдан бўшаб, «Янгиобод» жа-моа ҳўжалигига Жонодил Суннатов раис бўлди. У «Йўлтепа» жамиятига 25 гектар ер берилишини истамади. Бу орада про-куратура идоралари кишлоқ ҳўжалигида ис-лоҳотларнинг боришини назорат тартибиде тек-шира бошлайди жамоа ҳўжалигидаги текширув жараёнида «Йўлтепа» жамиятига 25 гектар ер бериш тўғрисидаги қарор қонунга хилоф деб топилади.

1998 йил 2 июндаги 7-17-98 рақамли эътироз-номаси (протести)да қайд қилинишича, ма-зкур қарор сохта ҳужжат-лар асосида қабул қилинган. Яъни «Йўлте-па» жамиятига 25 гектар ер ноқонуний ажратил-ган. Шунга кўра мазкур қарорни бекор қилиш сўралган. Ҳўжаликнинг собиқ раиси Ш. Таниев ва бошқаларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Урмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнар экан. Тадбиркорлик йўлини ту-таман деган Гофир Узо-қов ҳам ҳўжатларни сохташтираганида айбланиб, 3 йил муддат-га ахлоқ тузатиш ишла-рига жалб қилинди. Нима учун? ТЕРГОВЧИНИНГ ХАТОСИ

Прокуратура ва суд маҳкамаларининг қарор-ларини тасдиқлаш ёки рад этиш ваколатини даъво қилмаймиз. Аммо айрим ўринларда баҳсла-шишга асосимиз бор, деб ўйлаймиз. Биринчидан, «Йўлте-па» жамиятига 25 гектар

ер бериш тўғрисидаги жамоа ҳўжалигининг ва туман ҳокимининг қарор-лари сохта ҳўжатларга асосан чиқарилган бўлган тақдирда ҳам бунинг учун Ф. Узоқовни жавобгар қилиш адолатдан эмасди. Чунки у ҳўжаликда иш-ламайди, идора ишлари-га алоқадор эмас. Бино-барин, у ҳўжалик муҳри-дан ўзича фойдаланиши ҳам ақлга сиғмайдиған ишдир. Шунга қарамай Пайарик туман судининг 1998 йил 15 декабрдаги ҳукмида Ф. Узоқов жамоа ҳўжалиги мутасаддилари-нинг ўз вазифаларига со-вуққонлик билан қараган-ларидан фойдаланиб, сохта ҳўжат тайёрлаган дейилади. Аниқроғи, ҳўжаликнинг собиқ раиси Ш. Таниев, касаба уюш-ма кўмитаси раиси (коти-би?) Н. Бойзоқов, ер ту-зувчиси Қ. Муҳаммадқо-ловларга тоза оқ қоғозга имзо чектириб, муҳр бо-стириб олган эмиш. Бу мантиққа тўғри келмайди. Негаки, Ф. Узоқовнинг ўзи

Б.ХАМРОКУЛОВ олган сурат.

# Чўлликлар

**Айдар кўли ёқасида ҳеч бўлганмишди? Чўлнинг курак хавоси ўткир ва хушбўй шувок ҳиди дилмигингни қитиклаб, дилингни зантиқтирганми? Бугун бу ерда ҳаёт кайнагандан кайнайди. Сув савоғиди кайикларда сузаётган балчиқлар боши узра турфа қушлар гулжон ўйнайди. Кўл ортига чекинган жойларда қачонлардир сув босган, нураган чўпон уйи харобалари, қакқайган қозиклар кўзга ташланади.**

Кўлнинг шундай бетида қақраган чўл ястаниб ётибди. Кўёш ўзининг оловли тафти билан бу йил мазкур худудни беармон сийлади, онда-сонда қалтакесак, илон, юмронқозиклар учрайди бу сарҳадларда «Нурота» наслчилик ширкат ҳўжалигининг сурув-сурув кўй, қорамол подалари ўтлайди. Ҳўжалик худуди кўлдан то Қўратов ён бағирларигача ёйилиб кетган. Фермалар ва аксарият тоғ ён бағирларида жойлашган қишлоқларда ўзбек, қозоқ, тожиқ, қорақалпоқ миллатига мансуб қишлоқ аҳил ва иноқ яшайди. Улар аллақачон бир-бирларига қуда-анда тутишиб, бир жону бир тан бўлиб кетишган.

Мустикалик чўлликлар ҳаётини тўдан ўзгартириб

ратилди. Табиийки, бундан ҳўжаликда ишлаб кетган нафақажўрлар ҳам четда қолмади. Бугунги кунга келиб ишловчиларнинг ўртача иш ҳақи 15 миң сўмдан ошди. Ҳўжаликда маъмурият ва касаб уюшмаси ўрта-сидаги шартномага бинонан ҳар бир ишчиға йилига 20 кун иш кўни миқдориди овуқат пули тўлаш қатъий белгилаб қўйилган. Касаба уюшма аъзоларининг шифоҳонада бепул давола-нишлари ҳам қатъий назоратга олинган. Йилнинг ўтган даври ичида 10 киши турли сўхатҳоқларда дам олиб, соғлигини тиклаб қайтди.

Соғлом авлод тарбиясиға ҳам алоҳида аҳамият берилди. 35 нафар бола Навбахор туманидаги «Ўзбекистон», 50 нафар

## Ўз ерининг ҳақиқий хўжайинлари

юборди. Ҳамма жойда иш жўнлашиб кетди. Ҳўжалик маркази ва фермаларга тоғ дараларидан қувурларда сув келтирилди. Уч-тўрт йил ичида дарахлар, айниқса тераклар бирам бўй чўздики... Ҳўжаликда саб-завотчилик билан шугуланадиган бригадалар ташкил этилди. Қарабасиқи, нуроталиқлар бозори, дастурхони ўзларида етиштирилган сархил ноз-неъматлар билан тўлиб-тошди. Марказда турли хизмат шохобчалари, маданий-маиший объектлар қад ростлади. Тадбиркорликка кенг йўл очилди. Ҳўжаликнинг 74 кўйчилик, йилкичилик ва қорамолчилик отарларида моллар сони кўпайиб борди. Ҳозир бу ерда 50 миң кўй-кўзи парвариш қилинмоқда. Жорий йилнинг ўзида 26 миң кўй кўзилади.

— Иш унуми ва сифатини яқинлашда мусобақа айниқса кўл келмоқда. — дейди ҳўжалик касаб уюшма кўмитаси раиси Мўхаммад Ермаков. — Жўмладан шу йилнинг ўзида мусобақа якуни бўйича голибларга 919 бош кўзи, 52 донна Хива гилами, 1 та видеоаппарат, рангли телевизор мукофотга берилди. Кўзилаштида юқори кўрсаткичларга эришган 3-бўлим бош чўпони Йўлдош Умаров оладиган «Дамас» русумли автомашинасининг 45 фоиз, 5-бўлим бош чўпони Рузвийа Ҳамроев оладиган «Тико» русумли автомашинасининг 30 фоиз ҳўжа-лик ҳисобидан тўланадиган бўлди.

Ширкатнинг афзаллиги шундаки, ҳар кимнинг улуши жамоага қўлган ҳисса-сига қараб белгиланади. Шу дамнинг ўзидаёқ 14 миллион сўм пул ишловчиларга дивидент учун ай-

бола мактабиди оромҳоқлариди мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

«Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройли» деганлари шу бўлса керак-да. Навруз, Мустикалик байрамлари кўни бу ердаги қишлоқларда дошқозонларда элга ош тортилди. Ночор оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Тамара Айдерова, Сапаргул Холибековалар жондонлариди ўтказилган тўй харажатларининг бир қисмини ҳам ҳўжалик ўз ҳисобига олди.

Ишбилармон, ташаббускор кишилар бор бўлсин. Ширкат ҳўжалиқ раиси Фазлиддин Аҳмедов, касаб уюшма кўмитаси раиси Мўхаммад Ермаковлар номини одамлар фахр-ифтихор билан тилга олиши бежиз эмас. Улар бошлаган эзгу ишлар йиллар сино-вида пишди, ширин мева берди, эл-юрт назарига тушди. Масалан, Мўхаммад касаб уюшма кўмитаси раиси сифатида мана етти йилдирки, раис билан ҳам-қадам, ҳамфикр, барча ташкилий ишларга бошқор. Утган йили уни республика агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Марказий кўмитаси аъзоларига сайлашди...

Айдар кўли ёқасидаги кимгадир эҳтимол зерикарли туолган бу масканда ана шундай дилқаш, меҳнаткаш, зўкко одамлар яшайди. Улар давр олдинга қўяётган, ислоҳот тақозо этаётган вазифаларни биринчилар қатори ҳалол ва виждонан адо этмоқдалар.

Ялғош САРИБЕВ, «Ишонч» мухбири.

**Республикамиз ички ва ташқи бозор муносабатлари босқичларида туб иқтисодий ўзгаришлар рўй берди.**

Чўнончи. 1998 йилнинг август ойида Олий Мажлисининг «Кимматли қоғозлар бозориди депозитарийлар фаолияти тўғрисидаги Қонуни» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 21 майидаги «Кимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини ташкил этиш ва фаолияти ма-салалари тўғрисидаги қарорига мувофиқ кимматли қоғозларнинг давлат марказий депозитарийсини давлат унитар қорхонаси шаклида ташкил этилди».

Корхонанинг асосий вазифаси кимматли қоғозлар бозорининг барча иштирокчилари ҳуқуқларини ҳисобга олиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатишдир. Бундан ташқари республикадаги мавжуд депозитарийларда кимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлашнинг ягона тизими амалга оширилишини ҳам таъминлаш лозим.

Республикада тижорат (хусусий) реестр юритувчи компаниялар ва мустикалик депозитарийлар сонининг ортиши кимматли қоғозлар бозориди уларнинг фаолияти ва ўзаро ҳамкорлик юртишларида муҳим ҳисобланган ягона талабларни ишлаб чиқиш зарурятини юзага келтирди. Айни шу муҳим вазифани амалга ошириш мақсадида Кимматли қоғозларнинг давлат марказий депозитарийсини томонидан ўтган йил охири ва шу йил бошларида кимматли қоғозни сақлаш опе-

рациялари андозалари ва услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқариш меъёрий-ҳуқуқий базасининг асоси ҳисобланган қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини рўйхатдан ўтказилди:

«Депозитарлик фаолияти» амалга ошириш бўйича талаблар тўғрисида»ги ҳолат;

«Депозитарлик ҳисоби ва ҳисобларнинг ягона қоидалари (стандартлари)»;

«Ваколатли давлат органининг Марказий депозитарий билан ҳамкорлик юртиш тартиби»;

«Депозитарлик фаолияти» тўхтатиш ва уни тўғаллаш даврида депозитарийнинг ҳаракати тўғрисидаги тартиб»;

«Марказий депозитарийнинг савдо ва ҳисоб-клиринг тизимлари билан ҳамкорлик юртиш тартиби».

Кимматли қоғозларнинг давлат марказий депозитарийсини томонидан қуйидаги асосий технология

# КИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

вазифалар ҳал этилди, ҳусусан: дастур таъминоти сертифицилаштирилди; зиддиятларни ҳал этиш тизими тузилди; ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик юртиш йўлга қўйилди; ягона ахборот депозитарлик тизими ташкил этилмоқда; режавий ва режадан ташқари қўшма иш бўйича учрашувлар, семинар ва конференциялар ўтказилмоқда; тезкор ахборот ва ҳисобот бериш тизими ташкил этилмоқда ва ҳоказо.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун амалдаги қонунчилик ва халқор талабларга жавоб берувчи дастур мажмуини сотиб олиш зарурати юзага келди ва ўтказилган тендер натижаларига кўра депозитарлик дастур мажмуи «Oakweald Ltd» Англия фирмасидан сотиб олинди.

Айни пайтда янги дастур мажмуининг тўлиқ ҳажмдаги фаолияти йўлга қўйилди. У фонд бозори иштирокчиларига Кимматли қоғозларнинг давлат марказий депозитарийсининг хизмат кўрсатиш доирасига кирувчи барча ахборот, маълумотларни тақдим этиши мумкин.

Мазкур қорхонага берилган асосий ҳуқуқлардан бири - савдо ва ҳисоб-клиринг тизимлари билан биржа ва ундан ташқари савдо иштирокчилари

тутилмоқда. Айни шу асосда мазкур қорхона учун республикамизда фаолият юртиётган иккинчи босқич депозитарийлари билан ҳам электрон ҳамкорлик ўрнатиш жуда муҳим вазифалардан биридир.

Яқинда Республика биржа маркази биносида қорхона ташкилотчилигида ўтказилган семинар-йўналиш ҳам депозитарлик тизими фаолиятини яхшилаш ишидаги асосий йўналишлардан бири - тизим субъектлари ўртасида маълумотларни электрон алмашини усулини амалда таътиқ этиш масаласига бағишланди.

Корхонанинг маълумотлар базасида айни кунда 597510,107 млн. сўм умумий эмиссияга эга 4285 та очик акциядорлик жамияти рўйхатга олинган. Ҳусусан, маълумотлар базасида хусусийлаштирилган, янгидан ташкил этилган акциядорлик жамиятлари, акциялари ҳаракати ва муомаласининг жорий ҳолатига тегишли маълумотлар сақланади ва юртилади. Шунингдек, Марказий депозитарий Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг турли худудларида фаолият юртиётган 51 та хусусийлаштириш инвестиция фондаларига хизмат кўрсатади, ҳўжларда ХИФФларнинг маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат

қилади, уларнинг акциядорлари реестрини юртиди.

Қорхона «Ўзбекистон кимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришга кўмак кўрсатиш» халқоройи ҳақида доирасида Германия техник маркази ва FBF («Немис биржаси») қошидаги Ўрта ва Шарқий Европадаги фонд биржалари ва молиявий бозорларни ривожлантиришга кўмак кўрсатиш жамияти) билан яқин ҳамкорлик юртимоқда, Германия техник маркази иштирокчида кимматли қоғозлар бозориди депозитарийлар фаолиятига тегишли меъёрий ҳужжатлар инглиз тилига ўғрилди. Бу эса ўз навбатида хорижий сармоядорларнинг республикамизда кимматли қоғозларга бўлган ҳўқуқлар ҳисобини юртиш ва сақлаш тизими билан батафсил танишишларига ҳамда маълум маънода чет эл маблағининг иқтисодиётимизга жалб этилишига имконият туғдиради.

Ҳолмирза МАТКАРИМОВ, Кимматли қоғозлар Давлат Марказий депозитарийсини ахборот ва нашриёт бўлимининг I-даражали мутахассиси.

## ҚўЛЛАНМА УЧУН ГРАНТ

Бундан тўрт йил бурун ўз фаолиятини бошлаган фуқароларни ҳимоялаш институти бугунги кунда йирик олий ўқув юртидан бирига айлиниб қолди. Ўзбекистон фавқулодда вазиятлар вазирлигига қарашли бу ўқув даргоҳида маҳаллий ҳуқуқат давлат органлари, вазирликлар, идоралар ва муассасалар раҳбар ходимларини фавқулодда ҳодаларда юз берадиган ҳолатлар қоидалари бўйича ўқитиш йўлида кўпгина таълимий тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу соҳа бўйича ўқув адабиётлари тайёрлашга ҳам киришилди.

Институт олимларининг Ўзбекистон фан ва техника Давлат кўмитаси махсус грантини ҳам қўлга киритдилар. Ақратилган Грант маблағи ҳисобидан «Фавқулодда вазиятлар ва ҳимоя тадбирлари» деб номланган ўқув-методик қўлланма яратилмоқда.

Бундан ташқари аҳолини ва ҳуқуқларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишга доир ўқув қўлланмалари устида ҳам иш олиб борилаётди.

## Пири бадавлатларимиз



БАХТИ — ФАРЗАНДЛАРИ КАМОЛИ

Хуринсо Қурамотова энг гўзал ёшида 5 нафар фарзанди, 2 нафар асраб олган қизлари — 7 бола билан бева қолди.

Эрининг топан-тутганига қаноат қилиб, бола тарбияси билан банд ҳолда уйда ўтирган аёл бошига тушган қулфдан гангиб қолди. Нима қилиш керак? Бирор жойга ишга кирсинми? Айриллар эса томорқадан ҳам яхшигина даромад олиш мумкинлигини айтишди. Хуринсо

шундай қилди. Ҳосилдан қолган дарахларни қўчириб ташлаб, ўрнига иссиқхона қурди. Турли резавор, саб-завотларни эрта етиштириб, бозорда сотди. Бу ишда бола-ларни ёрдам беришди. Кечалари чопон, дўппи тикиб, бедор тоғ оттирган пайтлар ҳам бўлди.

— Отам раҳматли турли хўжият ва ривоятларни айтишни яхши кўрадилар,— деб эслайдиган Хуринсо ая.— Улардан бири ҳеч эсимдан чиқмайди. «Қадимда ҳалол меҳнат билан кўн ке-

чирган эру хотин бўлган экан. Уларнинг ҳамма фарзандлари меҳнаткаш, ақли чиқшибди-ю, кенжа фарзанд ноқобил бўлибди. У кўчада болаларга тинчлик бермас, қўшиларнинг нарсаларини ўғирлаб қўчиб, ота-онани уялтирар экан. Бу ишлардан ниҳоятда ҳўжолат бўлган ота бир кўни хотинига дебди:

— Хайронман. Шунча йил ишлаб бирор марта бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаган эдим. Бу бола кимга ўхшайди?

— Дадаси, мени кечиринг. Бу борада мен айб-ли бўлсам керак,— дебди аёл. — Шу боламга оғир оёқ пайтимида қўшининг биз томонга эгилган шохдан бир донна анор узиб еган эдим. Мана оқибати, Шу ривоят менинг умр йўлимини белгилаган бўлса, ажабмас.

Дарҳақиқат, ҳалол меҳнат ўзининг ижобий самарасини берди. Хуринсо аянинг фарзандлари ақли, одоли, меҳнаткаш инсонлар бўлиб етишдилар.

34 нафар навар, 20 чеваранинг севимили бувжонис Хуринсо ая Қурамотовани чинозликлар хўрмат қилишади. Сабаби онахон маҳалласидаги Усмиллар тарбияси, ёш оилаларнинг аҳил, иноқлиги учун ҳам жон қўйдириб юрди. Маҳалласидаги бирорта тadbир у кишисиз ўтмайди. Ёш-қари талабчан ва меҳрибон бу онахонни яхши кўришади.

Мен Хуринсо аянинг сермаво сўзларини тинглар эканман, қайсики аёл умрини фарзандлари камоли учун бағишласа, одамларга яхшилик тилаб, покиза яшаса, у албатта улуғликка эришишига яна бир қарра имон келтирдим.

Муборақ МИРКАМОВА.

## учун баробар

# ТўСИҚЛАР

## барҳам топади?

«Йўлтёпа» жамияти ҳўж-жатлари тўғри расмийлаштирилгани айтилган. Бундан ташқари Пайарик туман ҳокимлигининг ҳўқуқшуноси Тангир Ҳудойбердиевнинг таҳририятга ёзган тушунтириш хатида «Йўлтёпа» жамияти учун ҳўжаликнинг йилгилиш қарори билан 25 гектар ер ажратиб бериш ҳақидаги ҳўжалиқ қарорини кўриб ўз имзонини қўйиб келганман, лекин шу бугун ушбу дафтари қўрганимизда 12 май 1997 йилдаги 4 рақамли қарори дафтarda йўлгили аниқланди. Қарор дафтаридаги рақамлар ўзгартирилган» деган жўмалар бор. Ва, ниҳоят, шунини айтишимиз керакки, «Янгиобод» ҳўжалигининг 1996—1998 йилларда қўлланилган умумий йилгилиш баённомаларини қайд этиш дафтарида 30 та варағи йиртиб

олинган. Чўнки рақамланган варақларнинг 10 дан 39 гача бўлганлари мавжуд эмас. Шундан кейинги варақлар рақамланган сонлар очик-ойдин ўзгартирилган. Ҳозир дафтarda иккита муҳр босилиб бирди «16 та», бошқасида «18 та» ёзилганидек эмас, балки 17 та варақ бор, холос. Йиртилмаган «Идора дафтари»да варақлар сони жуфт бўлади. Хуллас, бунга ҳўжуқий баҳо бериш маъмурий идораларнинг ваколатидир.

Ҳар ҳолда, фикримизча, қўшимча тергов жараёнида юқоридаги жиҳатлар ҳам эътиборга олинади, деб умид қиламиз.

**УМИДЛАР ЯНА ПУЧГА ЧИКДИ**

Ўзи хон, қўланкаси майдон бўлиб юрган раис Жонидил Сунатов бир тадбиркорнинг бу қадар қатъиятига дуч к-

ўринбеве ишни охирига етказишга қизиқмади. Ҳокимият идораларининг сусткашлиги ва назоратнинг бўшлиғидан фойдаланган ҳўжалиқ раҳбари Ж. Сунатов «Йўлтёпа» жамиятига нисбатан яна бир ноҳақлик қилди. «Янгиобод» жамоа ҳўжалигининг 2000 йил 21 февралда бўлган умумий йилгилиш қарорининг II-бандида шундай жўмла-ларни ўқиймиз: «Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодексига асосан «Йўлтёпа» сут савдо-хари-д жамияти раиси Ф. Узоқов томонидан Ф. Эгамқулов, Н. Таниев томо-рқа участкаларни ҳамда 160-контурдаги 4,9 га ер майдонини ўзлаштирганлиги, ер эгаларига моддий зарар етказганлиги ва қишлоқ аҳолисини менсиманглиги сабабли 1999 йил 13 сентябрдаги умумий йилгилишнинг «Йўлтёпа» жамиятига 158-контурдаги 6 га ер ажратилиш тўғрисидаги қарори бекор қилинсин».

Юқоридаги битикнинг баъзилминдан жамиятга ер майдонидан, деган маъ-

но чиқади. Аммо мазкур қарорнинг 13-банди 7-қисмида «Узоқов Гофур», «Гўштусаноат» 2 га, — деган ёзув бор. Демак, «Йўлтёпа» жамияти 2 гектаргина ерга расмий жиҳатдан эга бўлиб қолган. Бу нима — бекинмачўқ ўйиними?

**ЙЎҚОТИЛАЁТГАН БОЙЛИК**

Собиқ «Заготскот» ташкилоти, эндиликдаги «Йўлтёпа» жамияти иштиерида 1997 йилда, яъни ер беришни сўраб жамоа ҳўжалигига даст-лаб мурожаат қилинган-нида неча бош мол борлигини аниқ билолмадик. Аммо баҳслар билан ўтган икки йил да-вомида моллар сони мажбурий равишда ка-майган. Мавжуд маълумотномага кўра ўтган йилда жамиятда 33 бош қорамол қолган. Ҳозир эса атиги 20 бош мол боқилапти. Бу аҳолда чорвачиликни ривож-лантириб, умуман мол-лар бош сонини сақлаб қолиб бўладими?

Ҳўжалиқ раисининг найранглири сабабли

## ҲАМ ЛИЦЕЙ, ҲАМ ГИМНАЗИЯ

Бугунги кунда Тошкент Давлат Иқтисодиёт уни-верситети ҳузуриди ака-демик лицей ҳамда гим-назия фаолият кўрсатмоқ-да. Ўқувчи ёшларга иқти-содий таълимдан пухта билим бериш билан шу-ғулланаётган гимназияда ҳозир 500 нафардан ор-тик иқтидорли ўғил-қиз-лар таҳсил кўрмоқда. Янги ўқув йили муносаба-ти билан фақат 6-синфга 80 нафар ўқувчи қабул қилинди.

Янги турдаги билим даргоҳида уюштирилаёт-ган дарс машғулотларини олиб бориш учун Ўзбеки-стон Миллий университети, Тошкент Давлат педа-гогика университетидадан ҳам таҳрибали олимлар жалб этилмоқда. Инглиз тили машғулотларини ўқитиш учун эса гимна-зия Тинчлик корпуси би-лан шартнома тузди.

Ўзаро келишувга муво-фиқ гимназиянинг ўнбеш нафар ўқувчиси Англия сафариди бўлиб қайтди.

А. АҚБАРОВ

## OLAMBA

ВАРШАВА. Полшада ўтказилган президент сайловида Александр Квасневский галаба қозонди. У ўз тарафдорларига миннатдорлик билдирар экан, Полша XXI асрга бутун салоҳиятини намойён этган ҳолда кириб боришини ва Европа Иттифоқи аъзосига айланганини таъминлаш учун бор имконият ишга солишини тикилади.


ҚОҲИРА. Исроил Сурияга ҳўжум қиладиган бўлса, муқаррар мағлубиятга учрайди, деди мамлакат ташқи ишлар вазири Фаруқ Шаро. Шунингдек, у Сурия - тинчлик тарафдори, минтақадаги қаттиқ вазиятнинг келиб чиқишига Исроил сабабчи, деб таъкидлади. Сурияга ташриф буюрган Миср ташқи ишлар вазири Амр Мусо ҳам ўз мамлакати расмий Дамашқ томонида эканини маълум қилди.

Исроил бош вазири Эхуд Барак эса Ливанда «Ҳизбуллоҳ» жангарилари томонидан уч нафар Исроил ҳарбийси ўғирлинишига Сурия жавобгар ва Дамашқ бунинг учун жавоб бериши лозим, демоқда.

ФРАНКФУРТ. Европа Иттифоқи Югославияга ёрдам тариқасида икки миллиард евро бериши мумкин. Бу ҳақда Европа комиссияси раҳбари Романо Проди Германиянинг «Билд» газетасига берган интервюсида маълум қилди. У ЕИ Югославиянинг янги ҳукумати ростиана қўллаб-қувватлашини билдирди.

БЕЛГРАД. Норвегиянинг «Г-17» номили нодавлат ташкилоти Югославия янги ҳукуматиға 35 миллион немис маркази миқдориди молиявий ёрдам кўрсатадиган бўлди. «Г-17» раҳбари Миролуб Лабусинг таъкидлашича, маблағ ажратилган ва у янги ҳўкумат Югославия Халқ банки устидаги тўлиқ назорат ўрнатилган сўнг жўнатилди.

(ЎЗА)



# БОЙЛИККА ҲИРС ҚҲЙСА БАНДА...

Бозор айланиб, сабзавот ра-стаси томон бурилсам, икки ки-шининг ўзаро баҳси устидан чикиб қолдим. Жуссадор йигит сотувчиға қараб:

— Картошкангининг-ку нар-хи осмонда, аммо тарозидан уришингизга бало борми? Бо-шқа тарозидан тортириб кўрсам, уч килодан уч юз грамм кам чиқаяпти. Сизда диёнат борми ўзи?! — деди-ю, тўрхал-тадаги картошкани пештахта устига тўкиб ташлади.

Ўз қилмишидан қизариб кет-ган сотувчи ханг-манг бўлиб қолаверди...

Халиги харидорнинг «Сизда диёнат борми, ўзи?!», деган ҳақли эътирозини эшитиб, мак-табда ўқиб юрган давримдаги адабиёт ўқитувчимиз Ж. Амон-турдиевнинг бир суҳбати эсим-га келди.

«Омонатга қилма хиёнат» халқ мақоли асосида ўтказил-ган ўша мулоқотда ўқитувчимиз диёнатли кишилар ҳақида га-пириб:

— Ҳаётда энг қабиҳ нарса би-ровнинг ҳақидан уриб қолиш, таъмагирилик қилишдир. Имони бутун одам биров унга ишониб қолдирган омонатга хиёнат қилмайди. Бизнинг Маҷай қиш-логимизда бутун умрини чўпон-лик билан ўтказган кишилар жуда кўп. Улар тонг сахардан кечгача дала-дашда юриб одамларнинг ҳожатини чиқаришган. Ана шундай чўпонлар-дан бири Берди Саматов эди. Берди бобо ниҳоят имонли бўлиб, банагоҳ отарга бирор бегона мол қўшилиб қолса, дуч келган одамга бу ҳақда хабар берар, агар эрта баҳорда қўй, эчкиларни ҳайдаб яйловга жўнаса, қайси адирдан у киши-ни топиш мумкинлигини маъ-лум қилар эди. Башарти, қўй-эчкисини йўқотган одам чўпон бобони излаб уч йилдан кейин келса ҳам шу йиллар давоми-да туғилган қўзиларнинг ҳам-масини хиёнат қилмай эгасига қайтарар экан.

Агар ҳамқишлоқларидан би-рортаси чўпон бободан мол со-тиб олмоқчи бўлса, икки холис кишини чақиртириб сотиб оли-наётган молга холислар нарх қўйишларини илтимос қилар. Кейин харидорга бозор нархи-

дан бир оз камайтириб моли-ни сотар экан.

Хусусан, қўни-қўшни қарзга мол сўраб келишса, уларнинг тезда ҳожатларини чиқарар, ўзлари қарзларини бермагунча Берди бобо қарз ҳақида оғиз очмас экан.

Ўқитувчимиз ҳикоясини туга-тар экан бизларга қараб:

— Болалар, қани айтинглр-чи, нега Берди бобога ўхша-ганлар бировларнинг ризқини ейишдан ҳазар қилишган? Уч-тўрт йил орадан ўтса-да биров-нинг омонат молига хиёнат қилишмаган, жамият ва давлат мулкига зиён етказиш уларнинг фикрига ҳам келмаган... Биз ҳали жавоб беришга улгурмай устознинг ўзлари:

— Чунки бундай одамларнинг иймони бутун бўлиб, мол-дунё-га ҳирс қўйишмаган. Оллоҳдан кўрқиб, ҳаром-ҳариддан ҳазар қилишган, — деб суҳбатни якунларди.

Ривоят қилишларича, Ҳани-фий мазабимизнинг асосчиси имом Аъзам бир куни шогир-дига бир неча тўн бериб: бо-зорга олиб бориб сотгин, улар-нинг орасидан биттасини ало-ҳида ажратиб, сотиш вақтида манави тўннинг ямалганлигини харидорга айтиб, нархини ту-шир, — деб тайинлабдилар. Шогирд тўнларни сотиб, усто-зига пулни узатар экан:

— Ҳалиги тўннинг ямалганли-гини харидор билдими? — деб сўрабдилар. Шогирди эсдан чиқариб қўйганини маълум қил-гач, пулларнинг ҳаммасини унга қайтариб:

— Буларни олиб бориб етим-есирлар, муҳтожларга бўлишиб бергин, чунки бу пулларга ҳаром аралашипти, — деган эканлар.

Имом ал-Бухорий бир ҳадис-ларида:

«Набий саллоллоху алайҳи васаллам «Озиқ-овқатларингиз-ни «тўри» ўлчангизлар (Оллоҳ таоло) сизга барака ато этур», — деб айтган эканлар», — дей-дилар.

Балки бозордаги халиги кар-тошқафуруш бу муқаддас ҳадисдан беҳабардир. Башар-ти, ҳабардор бўлса ҳам — «э, бошқалар ҳам қилаёпти-ку» — деб ўзини оқлар. Афсуски, бун-

дай кимсалар бир нарсани зи-нҳор унутмасликлари лозим. Бировни алдаб, таъмагирилик қилиб, ҳаром йўл билан ҳеч қачон бойиб кетиш мумкин эмас. Борди-ю ошиб-тошиб кетган тақдирда ҳам, бу шон-шухрат узок давом этмайди. Оллоҳ узун қилиб ташлаган ар-қонини бир кунмас бир кун аста-секин тортиб олади...


Воҳамизнинг йирик олимла-ридан бири бир суҳбатда:

— Ука, бу дунёда ҳар нарса ҳисоб-қитобли эканлигини со-чимга-қо оралагандан сўнг би-либман. Бойлик йиғиш илинжи-да тўрт томонга ўзимни уриб-ман. Баъзан талабаларни си-нов, имтиҳонлардан ўтказиш баҳонаси билан чўнтақларига кўз олайтирибман. Аммо оқибатда бойиш ўрнига, бирим икки бўлмади. Рўзгорнинг ба-ракаси учди, кўп кўргуликлар бошимдан ўтди. «Қилсанг то-парсан», — деган ҳикматнинг нақадар тўғри эканлигига амин бўлдим... Мана бир неча йил-дири, ўзгалар ҳақидан воз ке-чиб, икки ерда ишлялман. Рўзгоримга қут-барака қайт-ди. Уст-бошим бутун. Ҳаммасидан ҳам виждоним олдида қийнал-майман, — деб дўзларини изхор этган эди.

Қани эди домла айтганидек «Қилсанг топарсан» деган ҳик-матнинг мағзи кўпчиликка, ху-сусан, савдо-сотик, тижорат билан машғул бўлган айрим кимсалар онгига етиб борса. Балки ўшанда улар бу синов дунёсида Парвардигор бизни бировлар ҳақида хиёнат қилиш учун эмас, балки одамларга эз-гулик қилиш, диёнатли бўлиш учун яратганини англаб етар-мидилар...

Зеро, шоир ёзганидек: **Бойликка ҳирс қўйиб, мол-дунё тўплаш, Азалдан шул экан нодон хислати. Сабоб бўлса қошиқ, бундай кимсага, Дунёсин ер ютган Қорун қисмати.**

**Нарзулло ОРИФИЙ,**  
«Маънавият ва маърифат» маркази Термиз шаҳар бўлимининг бошлиғи.



Жаҳонга юз тугган Ўзбекистонимизда инглиз тилига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Келажақ бунёдкорлари нафа-қат мактабларда, балки боғча ёшидан инглиз тилини чуқур ўрганишаётир.

Суратда: ўқитув-чи Жамила Бурхо-нова машғулот пайтида.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Тўрт нарсани қайта-риб бўлмайди; айтилган сўзни, ўтган ишни, отилган ўқни, кечган ум-рни.

Одамийлик уч нарса-да намён бўлади: Оллоҳ берган умрга шукроналик, инсоний-лик шартларини адо этиш, бировнинг дили-га озор беришдан сақ-ланиш.

Саховатни чеҳраси очик, олижаноб одам-лардан кутинг.

## ҲИКМАТЛАР

Осойишталик вақтин-гизда кўпроқ кўркинг. Қулфат етганда сабр қилинг.

Одамларга чиройли жавоб қайтариш ақл-нинг ярмиси, чиройли савол бериш илмнинг ярмиси, чиройли тадбир саховатнинг ярмиси.

Жаҳолат тўрт ишда қуринади: амалсиз сўзда, натижасиз ишда, ўринсиз хусуматда, ёқимсиз гўзалликда.

## Тож талабгорлари

Мамажон МУХИТДИНОВ

# РУБИНШТЕЙН

Жаҳоннинг зўр шах-матчилари битилган узун рўйхатдаги олдин-ги ўринлардан бири Акиба Рубинштейнга те-гишлидир. Нишонга у жуда яқин келган бўлса ҳам, лекин жаҳон че-мпioni бўлолмади, ўзи-дан кейин китоблар, ҳатто ўзи камдан-кам шархлаган партиалари-ни ҳам қолдирмади. Аммо шунга қарамай унинг шахмат санъати ривожига таъсири жуда каттадир.

Рубинштейн 1882 йил 12 октябрда Лодзь ви-лоятининг Стависки шаҳрида туғилди. Унинг болалиги оғир кечди. Акиба туғилмасдан уч ҳафта олдин отаси ва-фот этиб, онаси 12 бола билан ёлғиз қолади.

Болақай улғайгач, оилавий кенгашда кен-жа Рубинштейн отаси ва бобосининг изидан бо-риши — ўқитувчи бўли-ши керак, деган қарор-га келинади. Уни яху-дийлар мактабига жўна-тишади. Бу ерда 14 яшарлигида у шахмат билан танишади. Қўли-га тасодифан тушиб қолган шахмат китоби-ни қизиқ бир романдек ўқиб чиққач яна қайта-қайта ўқишга эҳтиёж се-зади. Шахмат йигитча-нинг юрагидан мустаҳ-кам ўрин эгаллайди.



Онаси ўлиди нима-дир содир бўлганини сезади. Лекин бирор нарса қилишга ожиз. Ру-бинштейн ёшлиги кеч-ган яхудийлар геттоси-даги кичик, димикқан кулбадан ёруғликка чи-қади. Олдинда уни нима кутаётганини ўйлаб ўтирмайди ҳам.

Акиба Лодзга жўнай-ди. Бу ерда у чинакам мастерлик борлиги ва Г.Сальве уларнинг сара-си эканлигидан хабар-

дор бўлади. Рубинштейн чемпионни ўзи билан 1 таён дастлабки расмий мусобақа — III Бутунрос-сия турнирида муваф-фақиятли ўйнайди, яна бир йилдан сўнг Бар-мендаги ёрдამчи тур-нирда эса голиблар са-фига қиради.

Энди Рубинштейнни шахмат тожига талаб-горларнинг олдинги қаторига қўшган зўр му-ваффақиятлар туркуми бошлади: Лодзь, тўрт кишилик матч-турнир-Чигориндан тўртта би-ринчи ўрин (1906), Остен-де 1-2-ўринлар (1907), Карлсбад 1-ўрин (1907), Вена 4-ўрин (1908), Прага 4-ўрин (1908), Петербург-Ласкер би-лан 1-2-ўринлар (1909), Варшава 1-ўрин (1910), Сан-Себастьян 2-3-ўринлар (1911), Карлс-бад 2-3-ўринлар (1911). 1912 йилда Рубинштейн бирданига тўртта би-ринчи совринни олади. Бундай натижага ҳали ҳеч ким эриша олмаган эди.

Бу мислсиз муваффа-қиятлар нималарга асосланган эди? Талант-гами? Шубҳасиз. Яна ҳайрон қоларли ишчан-лик қобилиятига ҳам. Унинг ўзи йилига 300 кун камиди 6 соатдан шахмат устида ишлай-ман, 60 кун ўйнаб, 1 йилда фақат 5 кун дам оламан, деган эди. Шахмат назариясининг қомусий билимларига у ана шу йўл билан эриш-ган эди. Умуман турнир-ларда ўйнаган барча партиаларини ёд билар-ди.



Кўп ўймай Рубинш-тейн дастлабки расмий мусобақа — III Бутунрос-сия турнирида муваф-фақиятли ўйнайди, яна бир йилдан сўнг Бар-мендаги ёрдამчи тур-нирда эса голиблар са-фига қиради.

Энди Рубинштейнни шахмат тожига талаб-горларнинг олдинги қаторига қўшган зўр му-ваффақиятлар туркуми бошлади: Лодзь, тўрт кишилик матч-турнир-Чигориндан тўртта би-ринчи ўрин (1906), Остен-де 1-2-ўринлар (1907), Карлсбад 1-ўрин (1907), Вена 4-ўрин (1908), Прага 4-ўрин (1908), Петербург-Ласкер би-лан 1-2-ўринлар (1909), Варшава 1-ўрин (1910), Сан-Себастьян 2-3-ўринлар (1911), Карлс-бад 2-3-ўринлар (1911). 1912 йилда Рубинштейн бирданига тўртта би-ринчи совринни олади. Бундай натижага ҳали ҳеч ким эриша олмаган эди.

Бу мислсиз муваффа-қиятлар нималарга асосланган эди? Талант-гами? Шубҳасиз. Яна ҳайрон қоларли ишчан-лик қобилиятига ҳам. Унинг ўзи йилига 300 кун камиди 6 соатдан шахмат устида ишлай-ман, 60 кун ўйнаб, 1 йилда фақат 5 кун дам оламан, деган эди. Шахмат назариясининг қомусий билимларига у ана шу йўл билан эриш-ган эди. Умуман турнир-ларда ўйнаган барча партиаларини ёд билар-ди.

(Давоми бор)

**Мароқли машқлар**  
Иккала тасвирда ҳам юриш қоралар-дан. Қандай ўйна-рингиз?

## ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ



Навбатдаги халқаро Олимпиада ўйинлари ўтказилган Австралия-нинг Сидней шаҳри эн-диликда ер юзидаги миллионлаб спорт иш-қибозларига яхши та-ниш бўлиб қолди. Бу спорт иншоотларига бой шаҳар билан Ўзбе-кистон ўртасида илмий алоқалар ҳам кенгайиб бормоқда. Буни Ўзбе-кистон Фанлар акаде-мияси тарих, археоло-гия ва этнография ин-ститутининг Сидней университетети билан ҳамкорлиги мисолида кўришимиз мумкин.

Бугун, 10 октябрда Қорақалпоғистондаги қадимий Бўстон шаҳри-да ўз ишини бошлайди-ган «Жаҳон маданияти тарихи тизимида қадимий Хоразм цивилиза-циясининг тугган ўрни» мавзуидаги халқаро симпозиумни уюшти-ришда ҳам бу олий ўқув юрти фаоллик кўрсатди. Айни вақтда универси-

тет вакиллари симпози-ум ишида қатнашиб, кун тартибидеги масала бўйича ўз фикрларини баён этадилар.

Ўзбекистон Фанлар академияси, унинг тарих ва археология ин-ститутлари, Хоразм маъмум академияси, Қорақалпоғистон Рес-публикаси Эллиққалъа тумани ҳокимлиги та-шаббуси билан ташкил этилган мазкур анжу-манда Россия Фанлар академиясининг этно-логия ва антропология институти ва яна бир қатор чет мамлакат ил-мий марказларидан та-ниқли олимлар ҳам ил-мий чиқишлар қилади-лар. Ўзбекистон тарих-чи ва археолог олимла-ри томонидан тайёр-ланган маърузалар кўпчиликни ташкил эта-ди. «Бактрия ва Хо-разм», «Илк давлатлар типологияси», «Бронза даврида Оролбўйи қабилалари алоқалари масаласи» каби маърузалар шулар жумласи-дандир.

Халқаро симпозиум доирасида «Қадимий Тошхирмон воҳаси археологияси» деган мав-зуда семинар ўтказиш ҳам режалаштирилди.

Акбар АЛИЕВ.



Табиатни энг улуг мусаввир дейишади. У яратган гўзалликни ма-тога кўчирган чевар қўлларга таҳсин айтсак арзийди. Зикрулла РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

## Каратэ МЮНХЕНГА - ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА

Юртимизнинг олти нафардан иборат катта ёшли каратэчилар терма жамоаси вакиллари 12-15 октябр кунлари Германиянинг Мюнхен шаҳрида ўтказиладиган расмий жаҳон чемпионатида иш-тирок этиш учун жўнаб кетишди.

— Бош мураббийлик вазифасига қадар ҳам терма жамоа билан яқин ало-қада эдим. Бинобарин, Андижон, На-манган, Фарғона вилоятлари бўйича ку-ратор вазифасидаги фаолиятимни да-вом эттириш баробарида терма жамоа аъзолари билан мунтазам мулоқотда бўлиб келялман, — деди сафар олди-дан А.Юнусов «Туркистон-пресс» му-бирига. — Тайёргарлик ҳақида тўхталсам, Жаҳон чемпионати олдиндан жиддий ма-

шғуллотлар ўташга бир ойдан кўпроқ вақтни сарфладик. Ушбу расмий че-мпionат каратэ оламининг икки йилда бир маротаба ўтказиладиган энг йирик мусобақаси бўлиши билан аҳамиятли-дир. Беллашувларда дунёнинг юздан ортиқ мамлакатларидан номдор кара-тэчилар баҳслашади. Вакилларимиз-дан шунга муносиб тарзда ҳаракат қилиш талаб этилади. Кейинги пайтда катта ёшдаги каратэчиларимиз кўнги-

дагидек натижаларга эришолмаепти. Шунинг учун доимий таркибига ўзгариш киритдик. Умидни ёшларга боғладик. Халқаро мусобақаларда тажриба ор-тириб, бинойидек муваффақият қозон-ган халқаро тоифадаги спорт устала-ридан Азамат Али Қаландаров, Рустам Казак, Хусниддин Сапиевлар қатори-да Фарҳод Аҳмедов, Рустам Гофуржо-нов, Акрам Содиков каби умидли спорт-чилар жамоа таркибидан ўрин эгаллаш-ди. Мақсад нафақат юқори ўринларни қўлга киритиш, балки ёшларга имкони-ят яратиш орқали катта спортда таж-рибасини орттиришдир. Танлаган йўли-миз яқин келажақда ижобий самараси-ни беришига аминман.

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир  
Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Таҳрир хайъати:  
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78, факс 56-87-62, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Мабут кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерлида терилди на саҳифалариди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нуска. Сотузда эркин нархда.  
«Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмақониси. Қорхона мизили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 22.00